

ЎЗБЕКИСТОНДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

Умаралиев Одилжон Умаралиевич
Жиззах давлат педагогика институти магистранти
Тел: 90-310-40-12
Сайдазимов Музаффар Рахматулла ўғли
Жиззах давлат педагогика институти магистранти
Тел: 97-250-03-06

Аннотация. Олий таълим муассасасини бошқаришни автоматлаштириш, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш ва дарс жараёнларини замонавий таълим тизими орқали олиб бориш ҳозирги кунда долзарб мавзу ҳисобланади. Ушбу маъқола бугунги кунда янаям долзарб бўлиб турган масофавий таълим тизимининг имкониятлари ҳақида сўз юритилади.

***Калит сўзлар:** масофавий таълим, ахборот ва коммуникация технологиялари, олий таълим муассасасини бошқаришни автоматлаштириш, таълим сифати, таълим моделлари.*

Аннотация. Автоматизация управления высшими учебными заведениями, внедрение информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в образовательный процесс и ведение учебного процесса через современную систему образования является актуальной проблемой сегодня. В этой статье рассматриваются возможности системы дистанционного образования, которая сегодня становится еще более актуальной.

***Ключевые слова:** дистанционное обучение, информационно-коммуникационные технологии, автоматизация управления вузом, качество образования, образовательные модели.*

Annotation. Automation of management of universities, the introduction of information and communication technologies (ICT) in the educational process and the conduct of the educational process through the modern education system is an

urgent problem today. This article examines the possibilities of the distance education system, which is becoming even more relevant today.

Key words: *distance learning, information and communication technologies, automation of management of universities, quality of education, educational models.*

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди. Замонавий технологиялар масофавий олий педагогик таълимни янгича ташкил қилинишига асос яратади. Бундай таълимда педагоглар, компьютер дастурчилари ва мутахассислари ёрдамида янги ўқитиш курсларини яратишлари лозим бўлади. Замонавий таълим тизими ўқитувчидан масофавий ўқитиш тизимига тайёр бўлмоғини, яъни илғор ўқитиш технологияларни (Интернет, Кейс, ТВ – технологиялар ва ҳ.к.) ўзлаштирган бўлишини тақозо этмоқда.

Бугунги кунда техник тизимлар, дастурий восита ва компьютер жиҳозларидан унумли фойдаланган ҳолда онлайн-таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш, баҳолаш, мониторинг тизимларини яратишга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда кенг оммалашган ATutor, Ilias, Claroline, Sakai ва Moodle электрон таълимни бошқарув тизимлари мавжуд¹.

Ўзбекистон олий таълим тизимида, асосан, Moodle (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment-модулли объектга йўналтирилган динамик ўқитиш муҳити) тизими қўлланилади. Мазкур тизим педагог, администратор ва ўқувчиларни ягона хавфсиз ва интеграллаштирилган тизимда бирлаштирган ҳолда яқка ўқув курсларини яратишни таъминлаб берувчи таълим платформаси саналади. 200дан ортиқ давлатларнинг

¹ М.И.Азизова, Г.С.Джамалова - Ўзбекистонда масофавий таълим тизимининг ривожланиш тенденциялари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018. <http://karsu.uz>

университетлари, мактаблари, компаниялари ва мустақил ўқитувчилари томонидан фойдаланилади¹.

Олий таълим муассасасини бошқаришни автоматлаштириш, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган “2017 - 2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури”нинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади².

Айни вақтда, ушбу йўналишда Жанубий Корея, Буюк Британия, Дания, ва Россия каби давлатларнинг тажрибаси ўрганилганда, ахборотлаштиришнинг асосий мақсади биринчи навбатда таълим сифатини оширишга қаратилган бўлса, кейинги ўринда жараёнларни автоматлаштириш орқали олий таълим муассасаси ходимлари ва профессор-ўқитувчилари фаолиятида кўп такрорланадиган вазифалар учун кетадиган вақтни тежашга қаратилган. Таълим сифатини оширишда асосий эътибор таълим контентларини яратиш ва улардан очиқ фойдаланишни ташкил этишга қаратилган. Масофавий таълимда турли таълим моделлари қўлланилади, бироқ уларнинг барчасига хос бир хусусият мавжуд, бу ҳам бўлса, унда барча ўқувчи ва ўқитувчилар масофа жиҳатидан ажратилишидир³.

Барча таълим турлари каби масофавий таълимнинг ҳам ҳар хил моделлари мавжуд. Бу таълим жараёнининг қуйидаги асосий таркибий қисмлари: фан мазмунининг баёни; ўқитувчилар билан ўзаро бевосита ва билвосита мулоқот; амалий топшириқларнинг бажарилиши; талаба билимини назорат қилиш ва баҳолашдан иборат бўлади. Ҳар бир модел шу каби таркибни ҳамда уни амалга оширувчи технологияларни қўллайди. Масофавий таълимнинг турли моделлари нафақат қўлланиладиган технологиялар, балки бошқарилиш даражаси, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг

¹ А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари ЎЗМЭ давлат илмий нашриёти. -Т.: 2008, 196 б.

² 20.04.2017й. ПҚ-2909-сон “2017 - 2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури. <https://www.lex.uz>

³ Абдукадиров Абдукаххор Абдувакилевич. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти монография / А.А.Абдукадиров, А.Х.Пардаев; ред. М.Содиқова. - Т. Ўзбекистон республикаси фанлар Академияси" ФАН, 2009. - 145 с.

масъулияти билан ҳам фарқланадилар. Айрим моделларда ўқитувчилар ва таълим муассасаси, худди анъанавий таълим тизими аудиторияларида ўқитилганидек, таълим жараёнини бошқариш функциясини тўлиқ сақлаб қолади. Бошқа турларида эса, таълимни бошқариш таълим оловчиларга ўтади. Илмий манбаларнинг тарихий аналитик тадқиқоти шуни кўрсатдики, кўплаб муаллифлар масофавий ўқитиш моделларини тузишга ўз эътиборларини қаратишган, жумладан, Э.С.Полат раҳбарлигидаги жамоа ўз монографияларида қуйидаги 6 та моделни кўрсатганлар¹.

Шу маънода, масофавий таълим бизга барча ҳудудлардаги талабаларга, таълим олишни хоҳловчиларга бир хил таълим олиш имкониятини яратиб бериш; етакчи университетлар, академиялар, институтлар ва бошқа таълим муассасаларининг илмий ва таълимий салоҳиятларидан фойдаланиш эвазига таълим беришнинг сифат даражасини ошириш; таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципал таълим даражасини таъминлаш имкониятларини беради. Шунинг баробарида билим оловчиларга ўзига маъқул вақт ва жойда ўқиш шароитини яратади, улардан фаол ўқишини талаб қилади. Бу жараёнда ўқитувчи билим оловчининг индивидуал хусусиятларини инобатга олади. Билим оловчи эса шу хусусиятларга мос равишда билим олиш имконига эга бўлади. Бу, ўз навбатида, билим оловчига материални чуқур ва мукамал ўрганиш имконини беради. Ўқитувчидан педагогик малакасини доимий равишда ошириб боришини талаб қилади. Негаки интерфаол ўқитиш ўқитувчининг ўз билимларини узлуксиз янгилаб боришини тақозо этади.

Дарҳақиқат, масофавий таълим ўқитишнинг анъанавий усулларида фойдаланиш, турғун шароитда ўқиш имкониятига эга бўлмаган, имкониятлари тиббий шарт-шароитлар туфайли чегараланган шахслар, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг тингловчилари, хорижий мамлакатларнинг таълим

¹ К.Р.Атабаева - Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари / К.Р.Атабаева. — Текст : непосредственный, электронный // Молодой ученый. — 2017. — № 24.1 (158.1). — С. 5-7. — URL: <https://moluch.ru>.

муассасаларида ўқиш истагида бўлган абитуриентлар, иккинчи мутахассисликни эгаллашни хоҳловчи кадрларга жуда қулай шароитни яратиб беради. Айниқса, иш билан банд бўлган катта ёшдаги кишилар, иккинчи мутахассислик бўйича таълим олишни хоҳловчилар учун масофавий таълим жуда қулай воситадир.

Масофавий таълимга қуйидаги бешта асосий ҳолат билан тавсифланувчи таълим сифатида қараш мумкин:

- ўқитувчи ва ўқувчининг мавжудлиги;
- таълим жараёнининг маълум масофада амалга оширилиши;
- ўргатувчи ва ўқувчининг ўзаро иккиёқлама мулоқоти;
- масофавий ўқиш учун мўлжалланган махсус материаллар мавжудлиги;
- ҳар икки томоннинг компьютер ва бошқа техника ва коммуникация;
- воситалари билан таъминланганлиги.

Бизнинг фикримизча, олий таълимда, шу жумладан масофавий таълимда АКТ тизимни шакллантириш ва ривожлантиришда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

- мақсадларини амалга ошириш учун юқори малакали кадрларни қайта тайёрлаш;
- янги эҳтиёжлардан келиб чикиб мутахассислар тайёрлаш, яъни бозорни шакллантириш;
- янги кадрларни тайёрлашда сифатга бўлган талабларни тўғри инобатга олиш;
- субъектлар билан интеграция асосида ҳамкорлик қилиш;
- фаолият учун зарур бўлган ёки жалб қилинган механизмлар тармоғини тузиш ва улар билан биргаликда ишлаш;
- бозор унсурларини яратиш, ўзгартириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

АКТни жамият ва иқтисодий соҳаларда қўллаш инновацион ривожланишини таъминлайди. Унинг соҳалари:

- АКТни таълим тизимларини бошқаришда қўллаш;
- АКТни кутубхона ва ахборот ресурс марказларини ташкил этишда қўллаш;
- АКТни дарс бериш жараёнида қўллашликни тақозо этади.

Юртимиз таълим муассасаларида жорий қилинаётган ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси ҳам келажакда бу каби имкониятлардан фойдаланишга хизмат қилади.

Умуман олганда, масофавий таълим комплексини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтиради. Олий таълим тизимида бу комплексни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Республика миқёсидаги барча Олий таълим муассасалари (ОТМ) компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари билан яхши таъминланган. Уларнинг барчаси Интернет тармоғига уланганлар. Ушбу технологияларни таълим тизимига кенг жорий этиш ОТМлари олдига қўйилган кўп муаммоларни ўз пайтида ҳал этишга ёрдам беради.

Ҳозирда фанларни компьютерлардан фойдаланиб ўқитиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Компьютер технологияларининг имкониятларидан ўқувчиларни шахсга йўналтирилган ривожланишини, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда самарали фойдаланиш мумкин. Педагоглар компьютердан дарсга методик материалларни тайёрлашдагина эмас, балки фанни ўқитишда зарур компьютер дастурларидан фойдаланишда, ўқувчилар билан индивидуал ишлаш жараёнида ҳам фойдаланадилар. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, видеоконференция технология асосидаги масофавий ўқитиш усули юқори сифатли канал, махсус қурилмаларни талаб қилганлиги сабабли масофавий ўқитишнинг бошқа усулларига нисбатан молиявий жиҳатдан бирмунча кўпроқ маблағ талаб этадиган усуллардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим тизимида АКТни қўллаш, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради. Шунинг учун бу борадаги назарий,

услубий ва бошқа жиҳатларни давр талаблари асосида такомиллаштирилиши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 20.04.2017й. ПҚ-2909-сон “2017 - 2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури. <https://www.lex.uz>
2. М.И.Азизова, Г.С.Джамалова - Ўзбекистонда масофавий таълим тизимининг ривожланиш тенденциялари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018. <http://karsu.uz>
3. А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. -Т.: 2008, 196 б.
4. Абдукадиров Абдукаххор Абдувакилевич. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. монография / А.А.Абдукадиров, А.Х.Пардаев; ред. М.Содиқова. - Т. Ўзбекистон республикаси фанлар Академияси" ФАН, 2009. - 145 с.
5. К.Р.Атабаева - Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари / К.Р.Атабаева. — Текст : непосредственный, электронный // Молодой ученый. — 2017. — № 24.1 (158.1). — С. 5-7. — URL: <https://moluch.ru>.